

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

БОКИЕВ БАХРОМ УКТАМОВИЧ

**XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XXI АСР БОШЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ
ЖАРАЁНЛАРДАГИ ЎРНИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Бокиев Бахром Уктамович

XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодий
зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрни 5

Бокиев Бахром Уктамович

Роль творческой интеллигенции Узбекистана в культурных процессах
второй половины XX века – начала XXI века 25

Bokiyev Bakhrom Uktamovich

The role of creative intellectuals of Uzbekistan in cultural processes
in the second half of the XX century and early XXI century 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

БОКИЕВ БАХРОМ УКТАМОВИЧ

**XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XXI АСР БОШЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ
ЖАРАЁНЛАРДАГИ ЎРНИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Таг 602 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳасанов Бахтиёр Вахапович
тарих фанлари доктори, профессор

Қобилов Эшболта Атамуродович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021.Таг.70.05-рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йилнинг “_____” _____ куни тарқатилди (2022 йил “_____” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.Ж.Эшов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Н.Н.Ражабова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н., доцент

О.Бўриев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси ўринбосари,
т.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобаллашув натижасида содир бўлаётган ижтимоий-маданий интеграциянинг жадаллашуви шароитида инсон омили ва унинг деярли барча жиҳатларини акс эттирувчи тарихий масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Миллат маънавий маданиятини ўрганувчи ва уни жаҳон ҳамжамиятига етказувчи муҳим қатлам бу зиёлилардир. Дунёдаги ҳар бир миллат зиёлисининг фаолияти ўз миллий манфаати ва хусусиятидан келиб чиқиб, шу йўл орқали ўз халқини озод, эркин ва доимо мустақил ҳаёт кечиришга даъват қилади.

Дунёнинг кўплаб етакчи тадқиқот марказларида ижодий зиёлиларнинг ижтимоий тарихи ва кундалик турмушини ўрганиш, бадий ташкилотлар ва таълим муассасаларининг фаолияти, жумладан, Марказий Осиё, шунингдек, Ўзбекистон халқлари ҳаётидаги ўзгаришларнинг ижтимоий-сиёсий асосларини тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Дунё зиёлиларининг ҳаёти ва ижодига мафкуранинг таъсирини аниқлаш, давлат билан зиёли қатлам вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоларини очиб бериш устувор масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки даврида республика раҳбарияти томонидан ижодий зиёлиларга эътибор давлат сиёсати даражасидаги вазифа қилиб белгиланди. Истиқлол йиллари Ўзбекистон ижодий зиёлилари ҳаётида янги давр бошланди. Янги Ўзбекистонда Учинчи ренессанс пойдеворини яратишда ижодий зиёлилар етакчи ўрин эгалламоқда. Айниқса, Ўзбекистон ижодий зиёлилари маънавий-маданий жараёнларда фаол иштирок этишмоқдаки, бу мазкур диссертация мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони¹, 2017 йил 15 августдаги “Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори², 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори³, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁴, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁵, 2021 йил 21 апрелдаги “Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат тили сифатида

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – Тошкент, 2022. 0082-сон.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 33-сон, 843-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 34-сон, 876-модда.

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – Тошкент, 2018. 1799-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси. – Тошкент, 2018. 1109-сон.

амал қилишининг ҳуқуқий асослари” (янги таҳрирдаги) ЎРҚ-683-сон Қонуни ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологияларини ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрнига дахлдор бўлган барча илмий адабиётларни муаммоли-хронологик жиҳатдан, баён қилиш услуби ва характериға қараб уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин: *биринчи давр* Ўзбекистоннинг совет давридаги ижодий зиёлиларининг илм-фан ва маданий жараёнлардаги ўрниға бағишланган тадқиқотларни ўз ичига олади. *Иккинчи давр* адабиётларига мустақиллик даврида амалга оширилган тадқиқотлар ва *учинчи давр* адабиётларига хориждаги илмий изланишлар натижаларини киритиш мумкин.

Биринчи гуруҳға кирувчи адабиётлар вакилларидан В.И.Шафир, А.К.Валиев, А.Ҳамроев, Д.Маматов, Н.Маматов ва бошқа тадқиқотчилар⁶ ижодий зиёлилар муаммоси ва ютуқларига фалсафий нуқтаи назардан ёндашган.

Шунингдек, совет тузуми даврида кўплаб тарихчи олимлар томонидан зиёлилар масаласи юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, М.Ғуломова, А.Бўтахўжаев, Ю.М.Баткаев, Л.Абасова, А.Дўсматов, О.Охунжонов, Р.Нурқулова, Р.Охунова, К.Оқилов ва бошқалар⁷ тадқиқотларида Ўзбекистон

⁶ Шафир В.И. Критика буржуазных фальсификаторов истории узбекской советской интеллигенции (1946-1965 гг.). Дисс... канд. филос. наук. – Ташкент. 1967; Валиев А.К. Советская национальная интеллигенция и её социальная роль. – Ташкент: Фан, 1969; Шу муаллиф. Октябрь культура, интеллигенция. – Ташкент: Узбекистан, 1977; Хамраев А. Возрастания социально-экономической роли сельскохозяйственной интеллигенции в период развитого социализма (по материалам Узбекской ССР). Дисс... канд. филос. наук. – Ташкент, 1973; Маматов Д. Сельская интеллигенция и возрастание её роли в коммунистическом воспитании трудящихся. Автореф. дисс... канд. филос. наук. – Ташкент, 1982; Маматов Н. Сельская производственно-техническая интеллигенция в условиях научно-технической революции (на материалах Узбекской ССР). Дисс...канд. филос. наук. – Ташкент, 1975; Суюнов С. Инженерно-техническая интеллигенция и возрастание её роли в условиях развитого социализма (на материалах Узбекской ССР). Автореф. дисс...канд. наук. – Ташкент: 1975; Интеллигенция Узбекистана: место и роль в обществе. Ред. колл. Ханазаров К.Х. и др. – Ташкент: Фан, 1987; Насиров У. Культурно-просветительная интеллигенция и возрастания её роли в условиях развитого социализма (на материалах Узбекской ССР). Автореф. дисс... канд. наук. – Ташкент, 1988.

⁷ Гулямова М. Из истории формирования кадров узбекской советской интеллигенция (1933-1937). Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1961; Бўтахўжаев А. Ўзбек совет зиёлиларининг шаклланиш тарихидан (1917-1920 йиллар). Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 1967; Баткаев Ю.М. Трудовой вклад интеллигенции Узбекистана в создание материально-технической базы коммунизма. Дисс...канд. наук. – Ташкент, 1967; Абасова Л. Из истории узбекской советской интеллигенции (1946-1950 гг). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1968; Дўсматов А. Ўзбекистон интеллигенциясининг коммунизм моддий-техника базасини яратишға қўшган хиссаси (1959-1965 йиллар). Тарих фан. ном... дисс... – Тошкент, 1971; Охунжонов О. Ўзбек совет интеллигенцияси кадрларининг шаклланиш тарихидан (1925-1937 йиллар). Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 1972; Нурқулова Р.Р. Ўзбекистон интеллигенциясининг Улуғ Ватан уруши даврида республика кишлок хўжалигини ривожлантиришға қўшган хиссаси. Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 1973; Ахунова Р.Р. Советская интеллигенция Узбекистана в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1975; Акилов К.А., Гулямова М.А. Советская интеллигенция Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1978.

зиёлиларининг шаклланиши, фаолияти ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрни илмий жиҳатдан ўрганилган. Лекин бу тадқиқотлар ўзбек миллий зиёлиларининг фақат Октябрь тўнтаришидан кейинги даврдаги фаолиятига бағишланган бўлиб, совет мафкураси асосида ёзилган.

Иккинчи давр (XX асрнинг 90-йилларидан ҳозирги пайтгача) яратилган асарларида ҳаққонийлик, тарихийлик тамойиллари етакчи ўринни эгаллаб, тарихий воқелик ҳолисона ёритилди. Бу даврда сиёсий ҳокимиятнинг кескин танқид қилиниши, совет даври санъатининг асосий йўналишлари ҳамда ўрганилаётган давр ижодий касб вакиллари кундалик ҳаётининг ўзига хослигини қайта идрок этишга уринишлар кузатилади. Ўз навбатида, ушбу давр адабиётларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) бу давр адабиётларига санъатнинг шаклланиши, унинг танқиди ёки оқланишига бағишланган тадқиқотлар (уларда асосан социалистик реализм назарияси ва амалиётининг муаммолари кўриб чиқилган) киради; 2) иккинчи давр адабиётларига ижодий касблар вакиллари кундалик ҳаётининг хусусиятларини англашга уринишларни ўз ичига (Д.Алимова, А.Голованов, Ҳ.Зиёев, А.Азизхўжаев, Н.Жўраев ва бошқалар)⁸ олган тадқиқотларни киритиш мумкин.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон зиёлилари масаласи илмий тадқиқотлар объектларидан бири сифатида ўрганилиб, жумладан, Ҳ.Узоқов, Ў.Убайдуллаев, Ю.Эргашева, Б.Ҳасанов, З.Ишонходжаева, М.Алиханов, Қ.Акбаров, С.Муртозова, Х.Хосиятов ва бошқаларнинг⁹ тадқиқотлари шулар жумласидандир. Шунингдек,

⁸ Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйик оқибатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 254 б., Ўша муаллифлар. Ўзбекистон в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологий. – Ташкент, 2022. – 325 с.; Зиёев Ҳ. Ўзбекистон: мустақилликнинг курашлар тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 268; Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 230 б., Жўраев Н. Агар огоҳ сен... – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б. 254; Ўша муаллиф. Тафаккурдаги эврилиш. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 256 б.

⁹ Узоқов Ҳ. Ўзбекистонда мустақиллик учун курашлар тарихи (1900-1940 йиллар). Тарих фан. докт. дисс... автореферати. – Тошкент, 1996; Убайдуллаев Ў. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустақил тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида). Тарих фан. номз. дисс... автореферати. – Тошкент, 1996; Эргашева Ю. Культура Узбекистана: состояние, тенденции и проблемы развития (50-60-е годы). Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Тошкент, 1998.; Хасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 г. – начала 50-годов. Дисс... докт. ист. наук. – Тошкент, 2000; Ишонходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и её воздействие на культурную жизнь Узбекистана (1925-1950 г.г.). Дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 2012.; Алиханов М. Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг мустақилликни қўлга киритиш ва уни мустаҳкамлаш давридаги фаолияти (1985-2000 йиллар). Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 2007; Акбаров Қ. Ўзбекистоннинг XX аср сўнгги чорагидаги маданияти (Фарғона водийси мисолида). Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 2008; Муртозова С.Б. XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон мусиқа маданиятидаги трансформация жараёнлари. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... – Тошкент, 2018; Хосиятов Х.О. XX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари музейлари шаклланиши ва фаолияти тарихи. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... – Қарши, 2021.

Р.Шамсутдинов, М.Ғуломова, Ҳ.Ахророва, Р.Умматов ва бошқаларнинг¹⁰ асарларида ўзбек миллий зиёлиларининг шаклланиши, уларни турли йўллар билан таъқиб остига олиниши ҳамда қатағон қилиниши масаласи холисона ёритишга ҳаракат қилинган. Лекин XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрни яхлит, тўлақонли ўрганилмаганки, бу мазкур диссертация мавзусини долзарблигини яққол исботлайди.

Тадқиқот мавзусига оид адабиётларнинг *учинчи гуруҳини* хорижда эълон қилинган илмий мақолалар ва тадқиқот ишлари ташкил этади. Хусусан, У.Фирман, Р.Кочар, Д.Монтгомери ва бошқа чет эллик советшунос олимлар мақола ва илмий асарларида ўзбек зиёлиларининг совет давридаги ижтимоий

¹⁰ Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 200.; Ғуломова М.О. Ўзбек зиёлиларининг камолоти. – Тошкент: Ўзбекистон, 199.; Ахророва Ҳ. Изларини излайман (Истиқлол фидоийлари). – Тошкент: Шарқ, 1998; Умматов Р. Зулматга сўнган зиёлилар. – Наманган, 2000; Наим Каримовнинг совет ҳукумати томонидан таъқиб остига олинган бир қатор зиёлилар ҳаётини акс эттирувчи мақолалари // “Фан ва турмуш” журнали, 1988 йил 7, 10-сонлар, 1991 йил 1-сон, 1992 йил 5-6, 11-12 сонлар; Зияева Д. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати: тарихшунослик ва манбашунослик масалалари // Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари. – Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012. – Б. 19; Аҳмедов С. Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши // Шу тўплам. – Б. 81; Юсупов Э. К проблеме политических репрессий в СССР в советской и постсоветской историографии // Шу тўплам. – Б. 87; Шағатаева Г. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шўро ҳукумати қатағон сиёсатининг ўрганилиши (“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ходимлари фаолияти мисолида) // Шу тўплам. – Б. 122; Ирзаев Б. Тарихий адолатнинг тикланиши фуқаролик жамиятининг маънавий кўзгуси сифатида // Шу тўплам. – Б. 171; Акбарова М. Қатағон қурбонлари қисмати ва тақдири – талабалар БМИ мавзусидир (АндУ, Ўзбекистон тарихи кафедраси тажрибасидан) // Шу тўплам. – Б. 176; Заирова Н. Мустабид тузум йилларида ўзбек аёлларининг қатағон этилиши // Шу тўплам. – Б. 181; Раҳимжонов Н. Рауф Парфи эстетикасида туйғу-кечинмалар ҳақиқати // XX аср ўзбек адабиёти масалалари. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Н.Ф.Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 2012. – Б. 48; Ҳаққул И. Ойбек шахсияти ва шеърятига доир // Шу тўплам. – Б. 56; Ражабова Д. Мустақиллик даври жадидшунослигининг асосий хусусиятлари // Шу тўплам. – Б. 242; Аҳмадова З.Ш. “Хотира муқаддас, кадр азиз: денгиздан томчи ёхуд инсоният тарихига бир назар // Иккинчи жаҳон уруши: халқ жасорати ва тарих сабоқлари. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари. – Қарши: 2020. – Б. 103; Холиқова Р.Э. Хотира муқаддас – кадрят мангу // Шу тўплам. – Б. 114; Хайридинов А. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданият соҳаси ва намояндалари фаолияти тарихидан // Шу тўплам. – Б. 334; Мамиров Х., Юсупалиев Т. Тарих сабоқлари ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари // Шу тўплам. – Б. 380; Боқиев Б. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек зиёлилари фаолияти ва ижодининг аҳамияти // Шу тўплам. – Б. 404; Қодиров А. Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришнинг долзарб масалалари // Илму зиёси кўзларга тўтиё бўлган аллома. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент-Қарши: 2018. – Б. 3; Иноятов Ҳ. Аждодлардан мерос Ватан // Шу тўплам. – Б. 122; Қодиров Б.Б. Ўзбек бадиий фильмлар тасвирий ифодаси. 90 йиллик давр // Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 75 йиллик юбилейига бағишланган Республика илмий ва илмий-техник конференция материаллари. 1-қисм. – Тошкент-Навоий, 2018. – Б. 211; Қодиров М. Театримиз истиқболини ўйлаб // Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Хабарлари. – Тошкент, 2018. – Б. 8; Раҳматуллаев Д. Ўзбек киносида миллий маънавиятимиз тамойиллари (“Йўл бўлсин” ва “Чашма” фильмлари мисолида) // Шу тўплам. – Б. 82.

ҳолати, улар устидан ўрнатилган мафкуравий назорат ҳақида фикрлар берилган¹¹.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг хорижий мамлакатларда замонавий ўзбек жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ва республикада юз бераётган туб ўзгаришларни ёритишга бағишланган асарлар нашр этила бошланди¹².

Жумладан, Турк тили ва адабиётининг ўзбек тили адабиёти ва ривоятлари билан боғлиқлиги ҳамда ўзбек бадиий романчилигида ижод қилган зиёлиларнинг ўрни тўғрисида 2019 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳри Мармара университети, Таълим фанлари институти Турк ва ижтимоий фанлар бўлимида Мадиха Сена Ўзган илмий тадқиқот ишлари¹³ олиб борган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг “Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиёт муаммолари” бош мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX аср иккинчи ярмида Ўзбекистон маданий ҳаётида ижодий зиёлиларнинг ўрни ва ролини тадқиқ этиш;

мустақиллик арафасида ижодий зиёлиларнинг ижтимоий-маданий ҳаётга таъсирининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш;

Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг илм-фан, таълим ва маданият тизимидаги ўзгаришларга қўшган муносиб ҳиссасини очиб бериш;

республика ижодий зиёлиларига муносабат ва эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳамда улар фаолиятидаги туб ўзгаришларни ёритиш;

Янги Ўзбекистонда ижодий зиёлиларнинг маданий жараёнлардаги иштирокини таҳлил қилиш;

диссертация мавзуси бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар бериш.

¹¹ Шермухамедов П. “Думли одамлар” ёки коса тагидаги ним коса // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 6 февраль 1987. 2-сон.

¹² Uzbekistan: historiya – spolezenstvo – polityka. Warszawa, 2001 / – 538 s; Uzbekistan the Womens Program encourages rural participation in the womens movement through quarterly meetings that draw leaders from around the country // Bending the bow/ Targeting Womens Human Rights and opportunities/ Open Society Institute. – New York? 2002 / – P. 100-101; Social policy and economic transformation in Uzbekistan/ Ed. Keith Griffin. – Geneva: UNDP: Intern. Labour office, 1995/. – XIII. – P. 172.

¹³ Mediha Sena Özcan. Türk dili ve edebiyati eğitimi çerçevesinde destan dili incelemesi; (Örnek metin polken'den derlenen çembil kamali adli özbek rivayeti). – İstanbul, 2019.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрни танланган.

Тадқиқотнинг предметини XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрни ва уларнинг илмий-ижодий ҳаёти тарихи каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида тарихийлик тамойили, холислик, хронологик, тизимли, қиёсий, ретроспектив ва статистик таҳлилардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маъмурий-буйруқбозлик тузумига қарамай, Ўзбекистонда ижодий зиёлиларнинг миллий анъаналарга асосланган йўналишларда марказий ҳудудлардан фарқли ўлароқ, ижодкорларнинг кундалик турмушдаги муаммоларига, XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларидаги ҳаёти ва фаолиятига доир ҳужжатлар асосида ижод қилишга бўлган тўсқинлик сингари ижтимоий-иқтисодий оқибатлари далилланган;

совет ҳокимиятининг “моддий рағбатлантириш” эвазига ижодкор зиёлиларнинг ғоявий садоқати ва тузумга мафкуравий жиҳатдан хизмат қилишига эришилганлиги борасидаги фанда мавжуд назариянинг ҳаётий ҳақиқатга тўғри келмаслиги, аксинча ўта қийин шароитларда бўлса-да, ижодкор зиёлиларнинг ўзликни сақлаб қолишда эришган ютуқлари коммунистик мафкура ғоялари илгари сурилган ниҳоятда оғир шароитда ҳам халқимизнинг ўтмиш тарихини, миллий анъаналари, миллий удумларини тараннум этган ижодкор зиёлиларнинг фаоллиги асосланган;

мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг фаолиятида юксалиш, улар фаолиятининг кучайиб борганлиги илмий-таҳлилий жиҳатдан кўрсатилган;

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш даврида ижодкор зиёлиларнинг ўрни, роли ва масъулияти янада ошганлиги баён этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон маданиятига муносиб ҳисса қўшган ижодий зиёлиларнинг XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларидаги ҳаёти ва фаолияти қирралари очиб берилган бўлиб, бугунги кунда ёшлар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш ва юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятга эга шахсларни тарбиялашга йўналтирилган;

XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрни тарихига доир хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили мисолида совет даври ва мустақиллик йиллари

киёсий кўриб чиқилиб, улар асосида Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишда фойдаланиш мумкин бўлган янги маълумотлар кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида қўйилган масалалар XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрни бўйича архив ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви (Ўз МА)¹⁴, Қашқадарё¹⁵, Сурхондарё¹⁶ вилоятлари давлат архив фондларидаги ҳужжатлар, шунингдек, даврий матбуот материаллари¹⁷ асосида ёзилгани ҳамда зиёлилар орасида ижтимоий сўровномалар¹⁸ ўтказилганлиги, шунингдек, маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг тарихшунослик ва санъатшунослик асарларини жалб этиб, тарих фанида эътироф этилган усул ва ёндашувларга асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фаолиятининг назарий таҳлили асосида олинган натижалардан ушбу йуналишдаги методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон зиёлиларининг илм-фан ва маданий соҳалардаги хизматларини Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича мақсадли давлат дастурларининг амалга оширилишига хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Давлат санъат музейи, театр ва музейларнинг экскурсоводлари учун қўшимча материал сифатида, ҳужжатли ва бадиий фильмларни яратишда, “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”, “Ўзбекистон санъати тарихи”, “Маданиятшунослик” фанлари бўйича махсус курслар, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни ҳамда монографиялар яратиш жараёнида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрнини тадқиқ этиш жараёнида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва амалий таклифлар асосида:

¹⁴ Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА); Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви. М-12-фонд; Ўзбекистон Республикаси кинокомпанияси жорий архиви. М-64-фонд; Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмаси жорий архиви. Р-2320-фонд; Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси жорий архиви. Р-2356-фонд.

¹⁵ Қашқадарё вилоят давлат архиви (Қашқадарё ВДА). М-687-фонд.

¹⁶ Термиз давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг жорий архиви.

¹⁷ “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Совет Ўзбекистони санъати”, “Ёш ленинчи”, “Совет Ўзбекистони” газеталари, “Фан ва турмуш”, “Гулистон”, “Сохибкирон юлдузи”, “Шарк юлдузи”, “Ёшлик”, “Фалсафа ва ҳуқуқ”, “Ўтмишга назар” журналлар ва ҳоказо.

¹⁸ “XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг маданий жараёнлардаги ўрни” мавзусида сўровнома шаклида ижтимоий тадқиқот ўтказилиб, унда қатнашганларнинг 50 фоизини ўқувчилар ва талабалар, 20 фоизини музей ходимлари, 30 фоизини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қашқадарё вилоят бўлими ходимлари ташкил қилди. Ёш таркиби бўйича эса, 60-70 (5 фоиз), 50-60 (10 фоиз) ёшдаги ходимлар иштирок этдилар. Тадқиқотда 50 та сўровнома тарқатилган бўлиб, шундан 38 таси яроқли деб топилди. Сўровномада мавзуга оид жами 12 та савол ўрин олган эди.

маъмурий-буйруқбозлик тузумига қарамай, Ўзбекистонда ижодий зиёлиларнинг миллий анъаналарга асосланган йўналишларда марказий худудлардан фарқли ўлароқ, ижодкорларнинг кундалик турмушдаги муаммоларига, XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларидаги ҳаёти ва фаолияти доир хужжатлар асосида ижод қилишга бўлган тўсқинлик сингари ижтимоий-иқтисодий оқибатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 8 октябрдаги Ф-5598-сон Фармойишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қайтадан жиҳозланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи экспозициясининг “1940-1950 йиллардаги қатағон сиёсати”, “1980 йиллардаги қатағонлар: “Пахта иши” компанияси, “Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар (1991 йилдан кейинги давр)” ҳамда “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари” бўлимларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи 2022 йил 6 апрелдаги 62-сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқот ишида келтирилган материаллар музей кўргазмалари учун экспонатларни тайёрлаш, бойитиш ва такомиллаштиришга хизмат қилган;

совет ҳокимиятининг “моддий рағбатлантириш” эвазига ижодкор зиёлиларнинг ғоявий садоқати ва тузумга мафкуравий жиҳатдан хизмат қилишига эришилганлиги борасидаги фанда мавжуд назариянинг ҳаётий ҳақиқатга тўғри келмаслиги, аксинча, ўта қийин шароитларда бўлса-да, ижодкор зиёлиларнинг ўзликни сақлаб қолишда эришган ютуқлари коммунистик мафкура ғоялари илгари сурилган ниҳоятда оғир шароитда ҳам халқимизнинг ўтмиш тарихини, миллий анъаналари, миллий удумларини тараннум этган ижодкор зиёлиларнинг фаолияти, уларнинг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни, соҳада қабул қилинган фармон, қарор, ва фармойишлар, муаммо ва ечимлар ҳақидаги хулосалардан ҳамда Ўзбекистон ижодкор зиёлилар фаолиятида олиб борилаётган ислохотларнинг натижалари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (O‘zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston teleradiokanali” унитар корхонасининг 2022 йил 4 июлдаги 06-28-984-сон маълумотномаси). Бу эса ёшларнинг Ўзбекистонда ижодкор зиёлилар фаолияти ва соҳадаги ислохотлар тўғрисида янги илмий маълумотларга эга бўлишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 11 та халқаро ва 19 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот иши мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш нашр этилган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика илмий нашрларида 7 та илмий мақола ҳамда 3 таси хорижий нашрларда, 20 таси эса республика ва халқаро илмий-амалий конференция тўпламларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги белгиланган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқот усуллари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган ҳолда тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми очиб берилган.

Диссертациянинг **“XX аср иккинчи ярмида Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг фаолияти”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг фаолияти, уларнинг турмуш тарзи, илм-фан ва маданий ҳаётга муносабатлари, мустақиллик арафасида эса ижтимоий-маданий жараёнларга таъсири ва шунга ўхшаш муаммоларга ижодкор зиёлиларининг муносабати ёритиб берилган.

Маълумки, миллат маънавий маданияти соҳиби ва уни келажак авлодларга етказувчи муҳим қатлам бу – зиёлилардир. Илмий адабиётларда уқтирилганидек, жамиятнинг маданий ҳаётида миллий зиёлилар улкан роль ўйнайди, уларнинг вакиллари халқ ўртасида “зиёли”, “зиёлилар” (эски ўзбекча “зиё” – ёруғлик, нур, нурланиш)дир¹⁹.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да таъкидланганидек: **“Зиё (а.)** – нур, йилтираш. 1. Ёруғ, ёруғлик, нур. 2. Билим, маданият, илм олган ёритувчи ҳар қандай нарса. **Зиёкор** (а+ф.) – зиё, билим тарқатувчи. Илм тарқатувчи, маърифатпарвар, билим тарғиб қилувчи. **Зиёли** – ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, илмли, ўқимишли, маърифатли”²⁰.

Кенгроқ таърифланса, зиёли атамаси маънавий баркамол инсон, илмли, ўқимишли, маърифатли шахс маъноларини англатади. Кундалик ҳаётда зиёлига нисбатан “интеллигент” ибораси ҳам қўлланади. Бунда кўпроқ ўша шахснинг билим даражаси, тафаккури, қолаверса, маънавий даражаси назарда

¹⁹ Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы (1917 г. – начала 50-х годов). Дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 2000. – С. 50.

²⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик, 2-ж. – Тошкент: ЎЗМЭ ДИН, 2006. – Б. 147.

тутилади²¹. Зеро, “интеллигент” атамаси “интеллект”, ақл билан боғлиқ ва демакки, аслида ўзбекларнинг “оқил”, “ақл эгаси” сўзлари билан маънодошдир²².

Шу билан бирга тадқиқотларда зиёли тушунчасига таъриф берилар экан жумладан, зиёлилар деганда ижтимоий тизимда муайян ўринга эга бўлган, асосан ақлий меҳнат билан шуғулланадиган ижтимоий табақа тушунилади²³. Зиёлилар шу йўл орқали ўз халқини озод, эркин ва доимо мустақил ҳаёт кечиришга ундайди.

Афсуски, ҳукмрон коммунистик мафкура совет даврида Иттифок таркибида бўлган бошқа халқлар сингари ўзбек халқини ҳам ўз миллий тарихи, маданияти ва қадриятларидан узоклаштиришга ҳаракат қилиб келди. Коммунистик партия ва совет ҳокимияти социалистик реализм ғояси асосида ижодкор зиёлиларни ҳамиша ўзининг мафкуравий таъсири остида сақлашга интиланган эди.

Ўзбекистон Компартияси МҚнинг 1951 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон СССРда мусиқа санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonлари, “Тоҳир ва Зухра”, “Алпомиш” халқ дostonларининг афсонавий фольклор сюжетларига асосланган опера, балет ва мусиқали драма спектакллари яратиш ва сахналарда кўрсатиш “зарарли” иш деб баҳоланди²⁴.

1951 йил 10 августда республика матбуотида “Баъзи шоирларнинг ижодидаги мафкуравий бузғунликлар тўғрисида” деган мақола эълон қилиниб, унда Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Миртемир, А.Бобожонов, Собир Абдулла, Ҳабибийлар миллатчилар деб ноҳақ танқид қилинди. Шундан кейин “Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда” деган мақола эълон қилинди, унда ўзбек адабиётининг Ойбек, Ҳ.Зарипов, Ҳ.Ёқубов, И.Султонов ва бошқа арбоблари “жиддий мафкуравий хатолар ва бузғунчилик”да айбланди²⁵.

Коммунистик мафкура ғоялари илгари сурилган ниҳоятда оғир шароитда ҳам халқимизнинг ўтмиш тарихини, миллий анъаналари, миллий удумларини тараннум этган ижодкор зиёлилар ҳам фаоллик кўрсатишди. Партиявий-ғоявий тизгинга қарамасдан адабиёт ва санъат соҳасида кўзга кўринарли асарлар яратилди. Шу ўринда, Ойбек, О.Ёқубов, П.Қодиров, С.Ахмад, Ҳ.Тўхтабоев, А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфи, А.Суюн, Ҳ.Худойбердиева, Ў.Ҳошимов, О.Матчон, Ш.Раҳмон ва яна бошқа ўнлаб ёш ижодкорларни мисол қилиб айтиш мумкин. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 1960-1980 йиллар оралиғида бадиий жиҳатдан юксак, миллий руҳ ва ғурур билан суғорилган юксак савиядаги асарлар яратилди. Бу асарлар ўзбек халқига жуда катта маънавий озуқа берди. Ёшлар онгида Ватанга нисбатан меҳр-

²¹ Маънавият – асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2010. – Б. 177.

²² Исоқов Б. Зиёлилик масъулияти. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 7.

²³ Алихонов М. Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг мустақилликни қўлга киритиш ва уни мустаҳкамлаш давридаги фаолияти (1985-2000 йиллар). Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 2007. – Б. 6.

²⁴ ЎзР ПДА, 58-фонд, 27-рўйхат, 54-йиғма жилд, 151-152-варақлар.

²⁵ Ўз МА Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 9-варақ.

муҳаббат туйғусини шаклланишига кўмаклашди²⁶. Бу ижодий муҳит 60-йиллардан адабиётда янги авлод пайдо бўлишига замин ҳозирлади.

Совет ҳукумати республикада меҳнаткаш халқни итоатда сақлаш учун оммавий ахборот воситаларидан ҳам кенг фойдаланди. Тўғри, ҳар бир миллат ўз халқининг замонавий ахборот билан таъминлаш учун ўз даврида бир йилда камида 300 тадан 500 тагача журнал, 8 мингдан 12 мингтагача номда китоблар чиқариш керак бўлган. Лекин 1960 йилда Ўзбекистонда 110 номда журнал 1985 йилга келиб 88 тага тушиб қолган²⁷. Ачинарли томони шундаки, Ўзбекистон Фанлар академиясининг нашриётида чоп этилган адабиётларнинг 80 фоизи рус тилида, 16 фоизи бошқа тилларда ва фақат 4 фоизи ўзбек тилида нашр этилган²⁸.

Мустақилликка эришиш арафасида ўлкадаги кўпчилик зиёлилар тил масаласида Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш киритиш, ўзбек тилининг мавқеини қонун билан мустаҳкамлаш ғоясини олдинга сурдилар. Ўзбек тили Ўзбекистон учун давлат тили бўлиши лозим деб ҳисобладилар²⁹. Натижада, 1989 йил 21 октябрь куни “Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида”³⁰ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмас керак. Бу аллақачон юз бериши лозим бўлган ҳодиса эдики, аҳолимиз кўпчилигининг қонуний талаби ҳам шундай эди”³¹, – дея таъкидлаб ўтган эди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги зиёлиларнинг ўзликни англаш жараёни ХХ аср 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб анчагина жонланди. Зиёлилар совет мустабид тузуми шароитида вужудга келган турли-туман муаммоларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилдилар. Хусусан, илм-фан, санъатнинг турли соҳалари ва маданий меросимизни ўрганишда янгича нуқтаи назар билан ёндашувга эришилди. Зиёлилар ҳаракати билан ушбу соҳаларда сезиларли силжишлар кузатилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Миллий ўзликимизни англаш, Ватанимиз қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтиришимиз, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”³². Тарихий обидаларни таъмирлаш, сақлаш борасидаги камчиликларни очиб бериш том маънода халқни, давлатни озодликка интилишга чорлаш эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач зиёлиларнинг талаблари қондирила бошланди, десак, муболаға бўлмайди.

²⁶ Ўз МА Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 14-варак.

²⁷ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Стат. ежегодник. – Ташкент: “Узбекистан”, 1986. – С. 326-327.

²⁸ Ўз МА Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 7-варак.

²⁹ Хошимов Ў. Мураккаб, аммо зарур муаммолар // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1989 йил 13 январь.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1989 й., 26-28-сон, 453-модда.

³¹ Каримов И.А. Ўн биринчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқи // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1989 йил 27 октябрь.

³² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2017 йил 29 декабрь. 263 (6957).

Диссертациянинг “**Мустақиллик йиллари – Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг фаолиятидаги янги давр**” деб номланган иккинчи бобида мустақиллик шароитида давлат томонидан ижодий зиёлилар фаолиятини яхшилаш учун амалга оширилган чора-тадбирлар, ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш шароитида ижодкор зиёлиларнинг ўрни, фаолияти, шунингдек, фан, таълим ва маданият тизимидаги ўзгаришларга қўшган муносиб ҳиссалари каби масалалар ёритиб берилган.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқдир. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритар экан, мамлакат биринчи Президентининг “Республикада давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини ҳамда халқ таълими тизимини партиядан холи этиш тўғрисида”ги Фармони³³ зиёлилар ижодидаги ҳар қандай партиявий-мафкуравий чекловларга барҳам берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”³⁴ деб белгиланган демократик тамойил ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар таъсири натижасида 1997 йил 29 август Олий Мажлиснинг IX сессиясида “Таълим тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрирда) ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди³⁵.

Таълим соҳаси ва педагог ходимларнинг ҳукумат томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан тақдирлаш, улар фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 1992 йил 1 январдан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, фан муассасалари ходимларининг иш ҳақи 1991 йилга нисбатан 2 баробарга кўтарилди³⁶. Шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимларига қарашли уйлар бепул хусусий мулк қилиб берилди ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдаги имтиёзлар белгиланди³⁷.

Ҳукумат томонидан зиёлиларнинг ижоди муносиб тақдирланди. Хусусан, ўзбек адабиёти ва шеърятининг ривожлантиришдаги муносиб ҳиссаларини ҳисобга олиб, Абдулла Орипов “Муножот” сайланма шеърый китоби, Шукруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” хотира романи, Барот Бойқобиловнинг “Навоийнома” китоби учун Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1994 йил 4 февралдаги Фармониға мувофиқ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти билан тақдирландилар³⁸.

³³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент: 1991. 11-сон. – Б. 10.

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – Б. 16.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 11-12-сон, 295-модда.

³⁶ Ўз МА Р-2356-фонд, 2-рўйхат, 22-иш, 3-варақ.

³⁷ Алихонов М. Ўзбекистон зиёлилари фаолияти (1985-2000 йиллар). Монография. – Наманган, 2020. – Б. 78.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1994. 2-сон. – Б. 54.

Давлат томонидан миллий санъатни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган зиёлилар фаолиятини такомиллаштириш ва меҳнатини тақдирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Санъатнинг ашула, рақс, тасвирий санъат, мусиқа ва меъморчилик соҳасидаги асарлари учун қатор ижодкорлар давлат мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, Ш.Жўраев, Б.Жалолов, С.Мўминов, М.Фозиловлар 1991 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти³⁹, билан тақдирландилар, ҳайкалтарош И.Жабборов ва К.Жабборовлар Тошкентда (1992), Самарқандда (1996) ва Шаҳрисабзда (1996) Амир Темур ҳайкаллари, Фарғона ва Қувада Аҳмад ал-Фарғоний (1998), Хоразм (1999) ва Урганчда (2000) Жалолиддин Мангуберди, Ургутда Навоий (1985), Наманганда Машраб (1988), Тошкентда “Мотамсаро она” (1999) каби маҳобатли асарларни яратганлиги учун 2001 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланди. Ҳайкалтарош Р.Миртожиев ижодига мансуб “Заҳриддин Муҳаммад Бобур” (1993, Андижон), “Абдулла Қодирий” (1994, Тошкент), “Чўлпон” (1997, Андижон), “Она” (1999, Жиззах шаҳри) каби бир қатор ҳайкал ва ёдгорликлар яратилди. 1999 йилда Термизда “Алпомиш” ҳайкали ва мажмуа-композицияси (А.Раҳматуллаев, Қ.Норхўрозов) бунёд этилди⁴⁰.

Истиқлол йилларидаги энг катта ютуқлардан бири шу бўлдики, Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонун билан ҳимоя қилинадиган бўлди.

Мустақиллик йилларида давлат дастурларида, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган, ўзининг бадиий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган шоир ва ёзувчилар, рассомлар, маданият ва санъат ходимлари, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди⁴¹.

Таълим тизимидаги зиёлиларнинг фаолиятини моддий жиҳатдан тақдирлаш билан бирга уларнинг маънавий томондан ҳам қўллаш учун педагогларнинг хизмати ва мавқеини инобатга олиб, 1993 йилдан октябрь ойининг биринчи якшанбаси “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”⁴²ги биринчи Президентнинг ПФ-670-сон Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил декабрдаги қарори билан эса 1-октябрь – “Ўқитувчилар ва

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1991. 11-сон. – Б. 10.

⁴⁰ Ўз МА Р-2320-фонд, 2-рўйхат, 21-иш, 4-варақ.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 33-сон, 839-модда.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1993. 10-сон.

мураббийлар куни” этиб аниқ белгиланди⁴³ ҳамда бу кун байрам сифатида дам олиш куни деб эълон қилинди.

Республика биринчи Президентининг 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”⁴⁴ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги “Илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги 337-сон қарори мустақилликнинг илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш соҳасидаги дастлабки асосий ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланиши мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁴⁵, 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги⁴⁶ ва Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги Фармони⁴⁷ ва Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги қарори⁴⁸ ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон илм-фанини бошқариш ва молиялаштиришни давлат томонидан тартибга солиш, унинг саъй-ҳаракатларини устувор соҳаларга йўналтиришга қаратилган муҳим ислоҳотларни бошлаб берди.

Мустақиллик даври адабиётининг етук намояндалари – Ўзбекистон қаҳрамонларидан Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфлар ижодий фаолияти билан бутун халқимиз фахрланади. Мустақиллик давридаги ўзбек адабиётшунослиги олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда О.Шарофиддинов, Б.Қосимов, Н.Каримовларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллади⁴⁹. Муҳаммад Али ва Тоҳир Маликнинг романлари, У.Азим, Э.Аъзам, Ҳ.Худойбердиева, С.Саййид, Х.Аҳмедова, Ж.Эргашева, Ҳ.Дўстмуҳаммад, Ш.Салимова сингари шоир ва адибларнинг бадиий баркамол, ғоявий етук асарлари адабиётимиз равнақиға катта ҳисса бўлиб қўшилди⁵⁰.

Республиканинг етук тарихчи олимлари томонидан ҳам Ватан тарихи бўйича қатор фундаментал илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар доирасида олиб борилган ишларда

⁴³ Ўз МА Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 9-варақ.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида” 1992 йил 8 июлдаги ПФ-438-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1992. 9-сон.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2006. 31-32-сон, 311-модда.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2008. 29-30-сон, 280-модда.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2012. 30-сон, 346-347-модда.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2013. 1-сон, 5-модда.

⁴⁹ Ўз МА Р-2356-фонд, 2-рўйхат, 38-иш, 12-варақ.

⁵⁰ Mansurov U.U., To‘xtabayev A.Sh. O‘zbekistonning madaniyati va san’ati tarixi. – Toshkent: O‘zkitob savdo nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2021. – B. 184.

айниқса, тарихчи олимлардан Б.Аҳмедов, Ҳ.Зиёев, Р.Муртазаева, Д.Алимова, Б.Эшов, Ю.Эргашева, археолог олимлардан А.Асқаров, Э.В.Ртвеладзе, Ў.Исломов, А.Сагдуллаев, Р.Сулаймонов кабиларнинг ҳиссалар катта бўлди⁵¹.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз илм-фани, етакчи илмий мактаблар, биринчи навбатда, энг йирик ва муҳим аҳамиятга эга ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори⁵² қабул қилинди ва соҳа учун муҳим пойдевор вазифасини бажарди. Бугунги кунда мазкур ташкилот таркибида 38 та илмий муассаса, шу жумладан, 3 та худудий филиал ва 33 та илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар, 2 та корхона киради, 3 та фан бўлимларига бўлинади. 2017 йилда Фанлар академияси таркибида 63 нафар академик мавжуд эди. 2017 йил декабрь ойида 18 йил ичида биринчи марта Фанлар академиясига бўлиб ўтган сайловда 32 нафар янги ҳақиқий аъзолар сайланди⁵³. 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, Фанлар академиясининг 76 та ҳақиқий аъзоси фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида бадиий адабиётда миллийлик, минг йиллик тарихий анъаналар, умуминсоний қадриятлар, эркин фикр юритиш тамойиллари тикланди. Бадиий адабиёт синфийлик, партиявийлик, коммунистик мафкуравийлик каби ақидалар ҳукмронлиги иллатларидан озод бўлди.

Диссертациянинг “**Янги Ўзбекистонда ижодий зиёлиларнинг маданий ҳаётдаги ўрни**” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон ижодий зиёлиларига муносабат ва эътиборнинг давлат даражасига кўтарилиши ва улар фаолиятидаги туб ўзгаришлар, ижодкор зиёлиларнинг маданий жараёнларга муносабати ва уларнинг илм-фан, таълим ва маданий соҳа интеграциясидаги аҳамияти баён этилган.

Маълумки, янгиланаётган Ўзбекистонда ҳукумат ўз фаолиятини халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларига эътибор беришдан бошлади. Шунингдек, жойларда халқ билан ишлашнинг энг таъсирчан механизми, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналари ташкил этилди. 2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, деб эълон қилиниши “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этишда яна бир муҳим босқич бўлди⁵⁴.

⁵¹ Зиёев Ҳ. З. Туркистонда Россия тажовузи ва унга қарши кураш. – Тошкент: “Фан”, 1998; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихининг манбалари. – Тошкент: Фан, 1991; Алимова Д. Махмудходжа Бехбудий и его исторические воззрения. – Тошкент, 1998; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: “Фан”, 2000; Раимкулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари. – Қарши, “Насаф”, 2018.

